



Давлатимиз раҳбари «Маҳаллаларда оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

Президентимизнинг «Марказлашган манбалар ҳисобидан ипотека ва таълим кредитлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича фоиз ставкаларини белгилаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.



Эпидемиологик вазият барқарорлашганидан келиб чиқиб, Қозғоғистон 11 апрелдан Ўзбекистон, Қирғизистон ва Россия билан қуруқликдаги ўтиш нўқталарида давлат чегарасини кесиб ўтишга қўйилган чекловни бекор қилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича Махсус вакили **Исма-тулла Иргашев** Германия Федератив Республикасининг Афғонистон бўйича Махсус вакили **Яспер Вик** билан учрашди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси **Энергетика вазирлиги делегацияси** амалий ташриф билан **Бангладеш Халқ Республикасида** бўлди.

Автомобилсозлик саноатининг барқарор ва узоқ муддатли ривожланиши, ишлаб чиқаришининг янги воситаларини жорий этиш ҳамда юқори ма-лакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини илғор жаҳон тажрибаси асосида янада ривожлантириш мақсадида «Ўзавтосаноат» АЖ бошқаруви раиси **Шавкат Умурзоқов** бошчилигидаги делегация Италиянинг Турин шаҳрига ташриф буюрди.



Наманган вилоят «Тоza худуд» давлат унитар корхонасида давлат бюджет маблағлари ҳисобидан **21 та махсус чиқинди ташвиш техникаси фойдаланиш учун топширилди**. Ушбу техникалар билан 8 та туманда яшовчи 240 минг нафарга ақин аҳолига хизмат кўрсатилади.

Ёзёвон туманининг «Юқори Сойбўйи» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 65,4 гектар майдонда барпо этишга киришилган **«Янги Ўзбекистон» массивида биринчи ғишт қўйиш тадбири** бўлиб ўтди.

Келгуси сонларда ўқинг...



Харобага айланган оромгоҳ



Оққуш ноласи



Рағбат бор жойда

Ishonch

Юрт тараққийети йўлида бирлашайлик!

2022 йил
12 апрель
сешанба
№ 46
(4642)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Ислонм цивилизацияси маркази — ХАЛҚИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ ТИМСОЛИ

Охириги йилларда оғир-оғир синовлардан ўтдик. Лекин бу ерда иш тўхтагани йўқ. Нима учун буни қураямиз? Халқимизнинг дунёқарашини, ғурурини кўтариш, қандай буюк эл эканимизни ашъвий далиллар билан намоян этиш учун. Бу марказ халқимизнинг маънавий ва маърифий қудрати тимсоли бўлиб қолади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



«Ishonch» да САВОЛИ ЧОП ЭТИЛГАЧ...

Қарор қонундан устун бўла олади(ми?)

«Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низомига қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ва-зирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасининг муҳокамаси якунланди.



Лойиҳага кўра, ЙПХ ходимининг ўз хизмат вази-фаларини бажариши билан боғлиқ ҳолатда олинган фото ва видео тасвирларини унинг рухсатисиз интернет тармоғига жойлаштириш тақиқланади. Авваламбор, бир нарсга аниқлик киритиб олсак. Фуқароларнинг ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқи Конституция, «Ахборот эркинлиги прин-циплари ва кафолатлари тўғри-сида»ги каби кўплаб қонунларда белгили қўйилган.

Иккинчидан, қонуности ҳуж-жатлари Конституция ҳамда қо-нунларга зид бўлмаслиги керак. Агар зид бўлса, у бекор қилинади. Қолаверса, ички ишлар ходими бошқа кўплаб соҳа вакиллари қатори бюджетдан маош олиб,

халққа хизмат қилади. Унинг хиз-матдан ташқари вақтдаги шахсий ҳаётини суратга ёки видеога олиб, тарқатиш, албатта, қонунга зид. Аммо хизмат вақтида, айниқса, қонунга зид ҳаракатлари тасви-рини тарқатишни чеклаш мамла-катимизда олиб борилаётган дав-лат ҳокимияти ва бошқаруви ор-ганлари фаолиятининг очиқлиги сиёсатида, жамоатчилик назора-тига ҳамда шаффофликка қарши қадамдир.

Шу ўринда лойиҳа ташаббус-корларига бир неча саволла-римиз бор. Авваламбор, бу ма-салада ватандошларимизнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш ўрнига, интернет тар-моғида ЙПХ ходимининг ишчан-лик обрўсига путур етказадиган, тухматдан иборат видео ҳамда

суратларни жойлаштирганларга нисбатан қонуний жазо чорала-рини кучайтириш мақсада му-вофиқ эмасми?

Агар чеклов зарурати бўлса, нега қонун эмас, қарор лойиҳаси тайёрланди? Ахир Вазирлар Маҳкамаси қонунга зид қарор қа-бул қила олмайди-ку?

Қолаверса, ушбу тақик ЙПХ ходимлари томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқ-бузарликларни исботлаш имко-нини чекламайдими? Илгари ти-зимда мавжуд бўлган назорат-сизлик, «режа»ни бажариш учун ёппасига рейдлар орқали жари-мага тортишлар, умуман олганда, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларининг бу-зилишига олиб келмайдими?

Ҳилола ЖўРАҚУЛОВА

Кўча ўз эгасини топди

«Ishonch» газетасининг 2022 йил 15 мартдаги 33-сонида Жиззах вилояти, Ша-роф Рашидов тумани, «Олмачи» маҳалласида яшовчи Жамол Эгамбердиев-нинг «Кўчани таъмирлашга ким масъул?» сарлавҳали саволи эълон қилиниб, мутасаддилар эътиборига ҳавола этилган эди. Унга «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ сигналлаштириш ва алоқа бошқармаси қўйидагича муносабат билдирди:

«Олмачи» маҳалласидаги муаммолар ҳақида сўз борган мақоладаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тузилган чора-тадбир-лар ҳисоботи, баённомаси ва муаммолар бартараф этилгани ҳақидаги фото ҳисоботни тақдим этамиз.

Келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслик учун кор-хонанинг барча ишчи-ҳодимлари билан тушунтириш ишлари олиб борилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ
Сигналлаштириш ва алоқа
бошқармаси бошлиғи

М.У.Ақбаров

Мазкур муносабатдан кўриниб туриб-дики, мутасаддилар масалага юзаки ёндаш-маган, аксинча, танқидни тўғри қабул қилиб, муаммоларни бартараф этишга киришган. «Ishonch» газетасининг Жиззах вилоя-ти бўйича мухбири «Олмачи» маҳалла-сига бориб, у ерда амалга оширилган ишлар билан яқин-дан танишди, фуқа-ролар муносаба-тини билди.

— Очиғи, газе-тага чиқмаган жон-дан умид қабилида, ишониб-ишонмай мурожаат қилган эдик, — дейди «Ол-мачи» маҳалласида яшовчи фуқаро Жа-мол Эгамбердиев. — Чунки бир қанча таш-килот ва корхоналар эшигини тақиллатганмиз. Халқ депутатлари туман кенгашига, ҳоким-лигига, вилоятдаги масъулларга, «Ўзбеки-стон темир йўллари» АЖнинг ҳудудий бў-

лимларига ёзма, оғзаки мурожаат қилган-миз. Аммо сира натижаси бўлмас эди. Буни қарангки, муаммо газета саҳифаларида кўтарилгач, бир йилдан буён ҳал этилмай келаётган масала ҳал бўлди-қолди. Темирйўл ёқаси-даги кўча текисла-ниб, шағал ётқи-зилди. Темирйўл участка бошлиғи Шерзод Шомуро-дов бошчилиги-даги бригада хо-димлари бир неча кун ичида ушбу ишларни якунига етказиб кетди. Хуллас, муаммо ечими ўзимиз кутгандан-да зи-ёда бўлди. Оворагарчи-ликларга барҳам берилди. Энди кўчамиз ёзда чанг, қишда лой бўлмайди. Таҳририят ходимлари ҳамда мутасаддиларга катта раҳмат!



Таҳририят



Жамоа шартномаси – амалда!

«Qizilqumsement» акциядорлик жамиятида 2021-2024 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг ўтган йилдаги ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ходимлар манфаати ҳамisha эътиборда

Унда дастлаб Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмасынинг Республика кенгаши раиси ўринбосари Б.Султонов сўзга чиқиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан шу даврда етти та устувор йўналиш бўйича қатор ишлар амалга оширилгани тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди. Сўнгра «Qizilqumsement» АЖ бош директори Б.Умурзоқов ва корхона касаба уюшма кўмитаси раиси А.Бахроновнинг йиғилиш кун тартибидagi масала бўйича ҳисоботлари тингланди.

Қайд этилишича, жамиятнинг ҳар бир бўлими ва бўлинмаларида январь-февраль ойларида мавзуга доир йиғилиш ўтказилиб, жамоа шартномаси бандларининг 2021 йилда бажарилишини ўрганиш бўйича икки томонлама комиссия тузилган. Комиссия олиб борган текшириш натижаси даволатнома орқали расмийлаштирилган. Пировардда, ушбу шартнома иш берувчи ва касаба уюшмаси томонидан 98,3 фоизга бажарилгани аниқланган.

Касаба уюшма кўмитаси раиси А.Бахроновнинг ахборот беришича, жамиятда 512 нафар хотин-қиз ишлайди. Шу боис жамоа шартномасига алоҳида бўлим киритилиб, аёллар учун талай имтиёзлар берилиши кафолатланган.

Навбатдаги нотиқ – маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари М.Ялғашовнинг гапига қараганда, корхона бўлим ва бўлинмалари ишчи-ходимлари ўртасида спорт мусобақалари ўтказиш яхши йўлга қўйилган. Бу хайрли анъана ўтган йили ҳам изчил давом эттирилди. Беллашувлар ғолиблари касаба уюшмаси дипломи ва қимматбаҳо совғалар соҳибига айландилар.

Яна бир гап. Корхонада ишчи-ходимларнинг туристик саёҳатларини ташкиллаштиришга жиддий эътибор қаратиляпти. Шунинг самараси ўларок, ҳисобот даврида улардан 40 нафари кўҳна Самарқанддаги, яна 40 нафари оила аъзолари билан бирга қадимий Бухородаги тарихий-маданий обидаларни ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб қайтди. 350 нафардан ортиги корхонага қарашли «Айдаркўл» дам олиш масканида ҳордиқ чиқарган, 100 нафари касаба уюшма санаторийларида йўлланма орқали соғломлаштирилган бўлса, корхона тасарруфидagi «Шабода» болалар ёзги дам олиш оромгоҳида ишчи-хизматчиларнинг 215 нафар фарзанди дам олди.

Байрамлар муносабати билан «Qizilqumsement» акциядорлик жамиятида меҳнат қилаётган ва ҳозирда пенсияда бўлган ходимлар доимо йўқлаб турилади, турли тадбирлар ўтказиш анъанага айланган.

Жорий йилда 58 нафар касаба уюшма кўмитаси аъзоси, цех кўмитаси раислари ва касаба уюшмаси фаоллари жами 28 миллион 200 минг сўм, меҳнат муҳофазаси бўйича 41 нафар вакил 14,7 миллион сўм эвазига моддий рағбатлантирилди.

Меҳнат муҳофазаси тадбирлари учун йил мобайнида сарфланган маблағлар 7 миллиард 610 миллион 470 минг сўмдан ошди. Муҳими, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 228 нафар инженер-техник ходим апрель-май ойларида иш берувчининг 258 миллион 680 минг сўмлик маблағи ҳисобидан ўқитилди. Бу ўз самарасини берди – корхонада 2021 йили ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса содир бўлмади.

Қизгин баҳс-мунозаралар ва савол-жавоблар билан кечган йиғилиш ниҳоясида «Qizilqumsement» акциядорлик жамиятида жамоа шартномасининг 2021 йилда бажарилиши қониқарли деб баҳоланди. Ўз навбатида, корхонада 2021-2024 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасида кўзда тутилган вазифалар жорий йилда ҳам бажарилиши бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Наргиза ЮЛДАШЕВА,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш,
қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси
Навоий вилояти кенгаши раиси



Фарғона вилояти

Учкўприк туманида аёлларни иш билан таъминлаш борасида хайрли ишлар амалга ошириляпти.

Хусусан, истиқболли лойиҳа сифатида танлаб олинган «Зиё нур текстиль» МЧЖда ҳозирги кунда 50 нафар хотин-қиз буюртмалар асосида мавсумий кийим-кечаклар тикиш билан банд. Лойиҳа тўлиқ амалга ошган, яна 350 нафар хотин-қиз кооперация аъзосига айланди.

– Корхонамизда асосан мавсумий кийим-кечаклар тикилиб, ички бозорга чиқарилади. Ҳозирда ишсиз, бандлиги таъминланмаган аёлларга хуна ўргатиб, ишга қабул қияпмиз, – дейди «Зиё нур текстиль» МЧЖ раҳбари З.Хусниддинов. – Яқин орада қўлидан тикиш-бичиш келадиган аёлларга тикув машиналари тақдим этамиз. Улар уйларида чиқмаган ҳолда биз берган буюртмаларни бажаришади. Буюртмаларни етказиб бериш, маҳсулотни бозорга чиқариш, харидор топиш ишлари билан ўзимиз шуғулланамиз.

– «Зиё нур текстиль»га ишга келганимга 3 ой бўлди, – дейди Муслимахон Нишонава. – Қўлимда хунарим бўлса-да, ишсиз эдим. Маҳалламизда кооперация ташкил этилиши мушкуллини осон қилди. Бу ерда ишлаб, кам бўлганим йўқ. Ҳар 15 кунда бажарган ишимга қараб иш ҳақи оляпман.

– Бу ерга келганимда қўлимда хунарим йўқ эди. Дастлаб дазмол босишни, кейин бичиш-тикишни ўргандим. Ҳозир қўлимдан анча иш келиб қолди, – дейди Ферузахон Мадалиева.

– Ўзим тиббиёт муассасасида ишлай-



Бухоро вилояти

КЛАСТЕРДА касаба уюшмаси қандай ишляпти?

«Bukhara Cotton Textile Cluster» хорижий корхонаси Президентимизнинг 2017 йил 19 майдаги «Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан ташкил этилган. Ўзида пахта етиштиришдан тортиб, уни чуқур қайта ишлашгача бўлган барча технологик жараёнларни тўлиқ мужассамлаштирган.



Корхона ходимлари билан суҳбатлашсангиз, улар ўзлари учун яратилган меҳнат ва дам олиш шароитларидан мамнурилигини дарҳол пайқайсиз. Сабаби – инсон қадрини улуғлаш касаба уюшма кўмитасининг асосий вазифалардан бири этиб белгиланган. Яқинда ташкилотнинг жамоа шартномаси муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йиғилишида ҳам масаланинг ана шу жиҳатларига алоҳида урғу берилди.

Айни кезларда корхона касаба уюшмасининг аъзолари сони 4170 нафарга етди. Уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш уюшма томонидан изчил йўлга қўйилган. Барча ишлар меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонуний ҳужжатлар талаблари асосида ташкиллаштирилган. Ҳар бир ходимга мавжуд имтиёзлар, касб касалликлари ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан тушунчалар берилиб, эҳтиёткорлик билан иш юритиш зарурлиги ўқитилган.

– Дарвоқе, биз корхонада техника хавфсизлиги бўйича қулай ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратишга катта эътибор қаратяпмиз, – дейди корхона бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Абдурахмон Бозоров. – Шунингдек, ходимлар ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ва касб касалликларидан сугурталанган. Масалан, корхона тизимидаги «BCT Cluster Agrokompleks» МЧЖ «Кафил» суғурта компаниясининг Ромитан тумани бўлинмаси ишчи-ходимларни 62,4 миллион сўмга, «Bukhara Cotton Textile» кўшма корхонаси «Ўзбекинвест» экспорт-импорт суғурта компаниясининг Бухоро вилояти филиали эса 57 миллион сўмга суғурталди.

Корхона ишчи-ходимлари сафига эн-



Кооперацияда гап кўп

ман. Ишдан бўш пайтларимда «Зиё нур текстиль»да тикувчилик қиламан. Бу оиламизга қўшимча даромад бўляпти, – қўшимча қилади Назирахон Усмонова.

Бир гектар майдонда иссиқхона ташкил этган Дилмуроджон Ўлмасов ишнинг кўзини биладиган йигитлардан. Етиштирган помидорларига харидорлар кўп. У ўзи раҳбарлик қилаётган «Дўстлик» фермер ҳўжалигида кооперация усулида 215 кишининг бандлигини таъминлашга аҳд қилган.

– Яратилган шароитлардан фойдаланиб, кооперация усулида кам таъминланган, эҳтиёжманд, «Аёллар дафтари»га кир-

ган 80 нафар хотин-қизнинг томорқасига 1 сотихдан иссиқхона қуриш тараддуидаман, – дейди Дилмуроджон Ўлмасов. – Иш фақат иссиқхона қуриб бериш билан якунланмайди. Уларга кўчатдан тортиб, то помидор пишиб етилгунга қадар бўлган барча сарф-харажатларни ўзимиз қоплаймиз. Бир сотих иссиқхонага 400 туп помидор экиш, унинг ҳар бир тупидан 10 килограммгача ҳосил кўтариш мумкин. Такрорий экин сифатида кўкат экиб, яна даромад олса бўлади. Энг асосийси, помидор пишиб етилганда ҳосили яна ўзимиз бозор нархида сотиб оламиз. Шу орқали уларнинг



Ишчи гуруҳ фаолияти

рўзгорига барака киритмоқчимиз. Шунингдек, трикотаж кийим-кечак тикиш билан шуғулланувчи «Муҳаммадқодир Марҳаб» оилавий корхонасида кооперация усулида 350 нафардан зиёд, «Садаф сут» оилавий корхонасида 300 нафар, парранда етиштириш ва уни аҳоли хонадонларига тарқатиш орқали туман аҳолиси бандлигини таъминлашга киришган «Ёрқин имкониятлар сари» МЧЖда 100 нафардан ортиқ хотин-қизнинг бандлиги таъминланади.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»



Қашқадарё вилояти

Фаолият

Тадбир

«Муборак иссиқлик электр маркази» акциядорлик жамиятида кўп йиллардан буюн ҳалол меҳнат қилиб келаётган Холниёз Мамаев ҳамда Асадулло Ҳайдаров пенсия ёшига етди.

Меҳнат қадри

Шу муносабат билан жамият касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан қадр ва эҳтиром тадбири уюштирилди.

Унда меҳнат фахрийларининг ибратли ишлари, намунали фаолияти тилга олиниб, устозлар елкасига тўн ёпилди.

Узоқ йиллар марказлаштирилган таъмирлаш цехида чилангар бўлиб ишлаган, фидойилиги ортидан «Ўзбекистон энергетикаси фахрийси» кўкрак нишони билан тақдирланган Холниёз Мамаев сўзга чиқиб, ортда қолган умр йўллари, меҳр қўйган касбининг машаққатлари, фарзандидай бўлиб қолган шогирдлари ҳақида тўлқинланиб гапирди. Ёшлигида байналмилал йигитлик бурчини ўтагани, кўп оғир дамларни кўргангани эслаб, бугунги тинчликнинг қадри бебаҳо эканига урғу берди.

Асадулло Ҳайдаров ҳам касбидан бахт топганини, оғир чўл шароитида ишлаганига қарамай, иш берувчи ва касаба уюшма кўмитасининг ходимларига эътибори сабаб кўпгина қулайлик ва имтиёзлардан баҳраманд бўлганини таъкидлади, ёшлардан касбига меҳрли бўлишни сўраб, уларга бахт-саодат тилади.

Тошболта АВАЗОВ,
«Муборак иссиқлик электр маркази»
акциядорлик жамияти касаба
уюшма кўмитаси раиси



Дилдора ИБРОҲИМОВА,
«ISHONCH»



ШАМОЛДАН НУР

Юртимизда бу имкониятдан қанчалик фойдаланиш мумкин?



Яқинда Энергетика вазирлиги раиси Шерзод Ҳўжаев 2050 йилгача юртимизда табиий газ, кўмир ва нефть маҳсулотларидан ёқилғи сифатида фойдаланиш тўхтатилишини маълум қилди. Қорақалпоғистонда айни йўналишда илк қадамлар ташланди. Аниқроғи, Беруний туманида 100 МВт қувватли янги шомол электр станцияси қурилишига Президентимиз томонидан старт берилди. Биз ушбу лойиҳанинг аҳамияти ҳақида олим, ЎзФА Қорақалпоғистон бўлимининг табиий фанлар институти қайта тикланувчи энергия бўлими бошлиғи Юсуп КАМАЛОВ билан суҳбатлашдик.

– «Яшил энергия»нинг анъанавий электр энергиясидан афзаллиги нимада?

– Анъанавий усулда электр энергияси ишлаб чиқариш учун газ, нефть каби табиий ресурслар керак. Албатта, Ўзбекистон табиий газ захирасига эга давлат. Лекин унинг ҳам чеки-чегараси бор. Шомол эса ҳеч қачон тўхтаб ёки тугаб қолмайди.

Беруний туманидаги шомол электр станцияси ишга тушган, 120 минг хонадон электр энергияси билан таъминланади. Агар Қорақалпоғистонда 360 минг атрофида хонадон борлигини ҳисобга олсак, бу электр энергиясига бўлган эҳтиёжнинг учдан бирини битта ўша станциянинг ўзи қондиради деганидир. Тахиятош иссиқлик электр станциясида 100 МВт энергия ишлаб чиқариш учун 106 миллион куб метр табиий газ талаб қилинади. Бунча миқдордаги бёбаҳо неъмат билан 38 минг хонадонни бир йил мобайнида таъминлаш мумкин. Беруний туманида эса 33 мингга яқин хонадон мавжуд. Кўряпсизки, шомол энергетикаси катта миқдордаги табиий ресурсларни тежаш имконини беради.

Президентимиз ушбу станцияга тамал тошини қўйиш маросимида Қорақалпоғистонда жорий беш йилликда қуввати қарийб 1800 МВт бўлган 3 та шомол электр станцияси ишга туширилиши, 2026 йилга бориб мамлакатимиз миқёсида 4000 МВт электр энергияси ишлаб чиқарадиган станциялар қурилишини эслатиб ўтди. Бунга қуёш электр станцияларини ҳам қўшсангиз, вазият янада ойдинлашади.

Ҳозир Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминловчи Тахиятош ИЭС 1190 МВт энергия ишлаб чиқаради. Бундан хулоса қилиш мумкинки, келгусида табиий ресурсларни талаб этадиган электр станциялари ўрнини қайта тикланувчи энергия манбалари эгаллайди. Натижа-

да газ каби қўллаб табиий бойликлари-миз тежалади. Ривожланган давлатлар аллақачон бу ишнинг уddасидан чиққан. Жумладан, Данияда қўллаб қишлоқлар 100 фоиз шомол электр энергияси билан таъминланган.

– Нима учун дастлабки шомол электр станцияси айнан Беруний туманида қурилмоқда? Ушбу ҳудудни танлашда нима-ларга кўпроқ эътибор берилган?

– Одатда, бунақа станцияларни барпо этишдан олдин йил давомида тажриба ўтказилади. Чунончи, шомолнинг хусусияти махсус ўлчов асбоблари ёрдамида ҳар сонияда ўрганиб борилади ва бир йилга баланс чиқарилади. Беруний туманида танланган жой ҳам шу тариқа аниқланган ва хорижий инвесторларга маъқул бўлган.

Бундай иншоотларда ишлаб чиқарилган саноатга мўлжалланган электр қуввати мамлакатдаги ягона энергетика тизимига тўлиқ уланади. Чунки, Илон Маскнинг «Тесла» компанияси томонидан Австралияда ишга туширилган 100 МВтлик аккумуляторни истисно қилганда, дунёда бу янглиғ катта миқдордаги қувватни сақлайдиган аккумулятор йўқ.

Шомол электр станцияларини ўстюрт чинқларига ҳам курс бўлади. Чунки у ерларда доимо шомол эсади. Лекин саноат эҳтиёжи учун ишлаб чиқариладиган қувват учун махсус ускуналарда йил давомида шомол кучини ўлчаб бориш зарур.

– Шомол ҳисобига ишлайдиган станцияларнинг салбий жиҳатлари ҳам борми? Ай-тайлик, «Улар кўчманчи қушлар учун хавфли. Атрофга 40 децибелдан ошадиган, соғлиқ учун зарарли товуш тўлқинларини тарқатади» деган гаплар қанчалик тўғри?

– Қушларга хавф туғдириши рост. Чунки бу станциянинг парраклари жуда катта бўлиб, парраклар сониясига 60 метр тезликда айланади. Демак, ўзига келиб урилган қушларни нобуд қилиши турган гап. Шу боис станциялар бунёд этиладиган жой дастлаб орнитологлар томонидан ҳам ўрганиб чиқилади. Замо-навий шомол электр станциялари парраклари секин айланадиган ва кўп қувват йиғадиган даражада тақомиллаштирилмоқда. Кўчманчи қушлар йилига икки марта галалашиб ўчади ва бир ҳафта ичида бу ердан тўлиқ ўтиб бўлади. Баъзи давлатларда қушларнинг кўчиш мавсумида станциялар фаолияти вақтинча тўхтатиб турилади.

Товушнинг зарари билан боғлиқ масала эса аллақачон ижобий ечим топган. Яъни замонавий шомол электр станциялари инсон саломатлигига зарар етказадиган даражада шовқин чиқармайди.

– Қарийб ярим асрдан буён шомол қуввати масалалари билан шуғулланар экансиз. Илмий изланишларнинг натижаси қандай бўлди?

– Саноатбоп энергия ишлаб чиқарадиган станция ҳақида мен ҳам кўп бош қотирганман ва бу борада ўз ғоямга эгаман. Ҳозирги шомол электр станциялари горизонтал бўлиб, паррагининг ўзи 120 метрни ташкил этади. Мен ўйлаб қўйганим эса вертикал шаклга эга. Бундан ташқари, амалдаги турбиналарнинг энг каттаси йилига 17 МВт, камина таклиф қилган ихтирога доир турбина эса 70 МВт.гача қувват ишлаб чиқариши мумкин. Шу боис ғояларимни бир неча бор тегишли ташкилот-идораларга тақдим этдим, аммо менга ишонишмагани туфайли барчаси қоғозда қолиб кетди. Ҳозир 71 ёшдаман. Ғоям ҳеч бўлмаганда, синовдан ўтказилишини кўрсам эди, дея орзу қиламан.

– Журналистлар сиз ҳақин-

ғизда дельтапланларда учиб, шомолнинг таъсирини ўргана-р экан, шунингдек, бу қурилма воситасида Орол денгизи узра саёҳат қилиш мумкинлиги-ни исботламоқчи эмиш, деб ёзишди. Бу қанақа тажриба эканини тушунтириб берсан-ғиз..

– Тўғри, Чилпик қалъаси қошида-ги тепаликлар узра дельтапланларда учиб тураман. Лекин бу ишнинг шомол таъсирини синашга ёки Оролга саёҳат қилишга умуман алоқаси йўқ. Мени болалигимдан бир нарсa қизиқтириб келади. Нера биз одамлар қушлар каби ўчади-ган технологияни их-тиро қилолмаяпмиз?

– Қайтадан ве-лосипед ихти-ро қилмоқчи-мисиз? Самолёт ва вертолётлар бор-ку?..

– Улар бутунлай бош-қа масала. Вазни атиги 100 грамм келадиган баъзи кўчманчи қушлар тиним-сиз қанот қоқиб, 10 минг километргача ўча олади. Шу жараёнда улар шартта ортага қайтишлари ёки ён томонга қайрилишлари мумкин. Шун-дай технология одамзод томо-нидан яратилганми? Йўқ! Ушбу жумбоқ сирини ҳали биронта олим топа олмаган. Вертолёт ва самолётлар эса бундай ҳу-сусиятга эга эмас. Дельтапланда учиб тажриба ўтказишдан мақ-садим эса, қушлар қандай қилиб бу тарзда ҳаракатлана олиши тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишдир.

– Айтганча, Леонардо да Винчи ҳам шунга ўхшаш тажриба ўт-казган-ку...

– Албатта, Леонардо да Винчидек бўлиш қийин. Бироқ бу масалада бош қотирганлар жуда кўп.

– Шомол электр станцияси тўғрисидаги ғоянгизни амалга ошириш учун сизга нима ке-рак?

– Жуда катта миқдорда маблағ зар-рур! Хорижда бирор ихтиро қилинса, ишонишади ва катта пулга сотиб олиша-ди. Бизда, аксинча, негадир олимла-римизга ишонишмайди.

« Бу л а р -

БЕРУНИЙ ТУМАНИДАГИ ШАМОЛ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ИШГА ТУШГАН, 120 МИНГ ХОНАДОН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ. АГАР ҚОРАҚАЛПОҒИ-СТОНДА 360 МИНГ АТРОФИДА ХОНАДОН БОРЛИгини Ҳисобга олсак, бу электр энергиясига бўлган эҳтиёжнинг уч-дан бирини битта ўша станциянинг ўзи қондиради деганидир. Тахиятош иссиқлик электр станциясида 100 МВт энергия ишлаб чиқариш учун 106 миллион куб метр табиий газ та-лаб қилинади. Бунча миқдордаги бёбаҳо неъмат билан 38 минг хона-донни бир йил мобайнида таъмин-лаш мумкин. Беруний туманида эса 33 мингга яқин хонадон мавжуд. Кўряпсизки, шомол энергетикаси катта миқдордаги табиий ресурслар-ни тежаш имконини беради.

нинг қўлидан нима ҳам келарди?» дегандек, лоқайд муносабатда бўлишади. Бизнинг энг оғрикли ва фожиали муаммомиз ана шунда.

«ISHONCH» муҳбири
Есимхон ҚАНОАТОВ
суҳбатлашди

Ажабо!



Ишонч инсонга қанот бағишлайди. «Сенга ишонамиз», деган икки оғиз ширин каломдан руҳланган киши да-дил ишга киришади, кези келса, буюк янгилликларга қўл уради. Аммо бу тўйғу топталса-чи? Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати ерга урилса-чи? Шубҳасиз, у руҳан эзилиб, тушкун-ликка тушади. Илоҳисизликдан боши гангиб, нима қиларини билмай қо-лади. Энг ёмони, ишидан кўнгли со-виб, ҳам ўзига, ҳам бошқаларга нисба-тан ишончини йўқотати.

Феруза Умрзақова ана шундай изтироблар гирдобидида қолган инсонлардан бири. Унинг касби – ўқитувчилик. Учта тилини она тилидек пухта ўзлаштирган. Яқин-яқингача «Мен аёлман», деб қўл қовуштириб ўтирмаган, аксинча, ҳар доим тинимсиз меҳнат қилиб, эзгу мақсадлари сари дадил интилган. Таъбир жоиз бўлса, синчалакдек жуссаси билан елкасида тоғни кўтаришга ҳам қодирлигини намоён этган. Шу боис ўн икки йил бошланғич касаба уюш-масига етакчилик қилди. Етти йилдан буён эса Иштихон туманидаги 26-мактабга раҳбарлик қи-либ келаётган, шунингдек, туман кенгаши депу-тати сифатида фаолият юритаётган эди.

Аммо, минг афсуски, шундай серғайрат ва тиниб-тинчимас бу аёлнинг ўзи бугунга келиб, таскин-тасаллига ва кўмакка муҳтож бўлиб ўти-рибди. Ҳолбуки, у ҳеч қачон бирон-бир юқо-ри лавозимда ишлашни орзу қилмаган, юмшоқ ўриндиқда ястаниб ўтиришни хаёлига ҳам кел-тирмаган эди. Уни бошқалар аввалига «кўтар-кўтар» қилиб, майдонга олиб чиқишди, сўнгра росманасига ҳар томонлама синдиришди.

Ҳаммаси Иштихон тумани халқ таълими бўлими мудир вазифасидан бўшатиладиган кейин бошланди. Ўшанда Халқ таълими вазир-лиги бу лавозимга иқтидорли ва жон кўйдириб ишлайдиган мудир тайинлаш учун танлов эъ-

СУВНИ ЛОЙҚАЛАТАЁТГАН КИМ?

Ёхуд Халқ таълими вазирлигининг буйруғи Самарқанд вилоятида қарийб беш ойдан буён бажарилмаётгани хусусида

лон қилди. Унда қатнашиш истагида бўлганлар кўп эди. Жумладан, мактаб директори сифати-да соҳада илдиз отган лоқайдликлардан роса безган Феруза Умрзақова ҳам омадини синаб кўришга жазм этди.

– Танловда «Аргуст» тест тизими бўйича иштирок этган 34 нафар номзоднинг 20 нафари дастлабки саралаш босқичида синовдан ўтолма-ди, – дейди Феруза Умрзақова. – Қолган 14 на-фар даъвогар сафида эса мен ҳам бор эдим. Улар қатори вазирилик томонидан ташкиллаштирилган онлайн суҳбатда иштирок этдим. Кейин кўнглим-ни тўқ тутганча ишлаб юравердим. Ўтган йил 15 ноябрда мени Халқ таълими вазирлигига таклиф қилиб, туман халқ таълими бўлимига мудир этиб тайинланганимни айтишди. Ўша куни ўзаро меҳнат шартномасини ҳам имзоладик.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2021 йил 15 ноябрдаги лавозимга тайинлаш тўғрисидаги 634-к-сонли буйруғидан айнан кўчирма:

«Умрзақова Феруза Азаматовна Самарқанд вилояти, Иштихон тумани халқ таълими бў-лими мудир лавозимига барча ҳужжатларга биринчи имзо чекиш ҳуқуқи ва уч ойлик синов муддати билан 2021 йил 15 ноябрь кунидан тайинлансин.

Ойлик маоши штат жадвалига биноан бел-гилансин.

Иштихон тумани халқ таълими бўлими мудир вазифасини вақтинча бажарувчи Са-марқанд вилояти халқ таълими бошқармаси ижро интизоми ва мурожаатлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Болиев Абдурахмон Сидикович ўз вазифасини бажаришга киришсин.

Асос: Меҳнат шартномаси, Ф.Умрзақованинг аризаси.

Самарқанд вилояти халқ таълими бошқар-маси (З.Шодиева) Иштихон тумани халқ таъли-


Вазир Ш.Шерматов».

Ўзига билдирилган юксак ишончдан Феруза беҳад қувонди. Неча тунларни бедор ўтказиб, янги-янги режалар тузди. Ёш авлод ва жамият олдидаги масъули-ятни янада чуқурроқ ҳис этган ҳолда устозларга бош-қош бўлиш учун астой-дил ҳозирлик кўрди. Аммо Иштихон тумани ХТБга вазир буйруғини кўтариб кириб боришга истиқола қилди. Усти-га-устак, орадан бир неча кун ўтса-да, вилоят халқ таълими бошқармасидиги-лар ҳеч нарсани билмагандек, ер чизиб ўтираверишди. Феруза эса ўзи ишлаб келган 26-мактабни бошқаришда давом этаверди. Ҳар замон-ҳар замонда вазир буйруғини қўлга олиб тикилади. Кўнгли-дан «Бу ростмикан ёки қалтис ҳазилми-кан?» деган фикр кечади. Кейин «Ҳозирча бошқармадагиларнинг бу янглиқдан ха-бар ийўқ, шекилли», деб ўзига-ўзи тасалли беради...

Йўқ, барибир, бўлмади. Кутавериш жонига теккан, Самарқандга борди. Буни қарангки, вазир буйруғи бошқармага ал-лақачон келган экан. Шундай эса-да, унинг ижросини таъминлайдиган одамни топиш душвор бўлди. Бошқарма бошлиғи (айни чоғда собиқ) З.Шодиева ўзини олиб қочгани бир, кадрлар бўлими бошлиғининг талмов-сираши бир бўлди. Бу идорадагилар қандай-дир «қудратли куч» йўлларига ғов бўлаётга-нига шама қилишди.

– Халқ таълими бўлими мудир лавози-мига расман тайинланганимга салкам беш

ой бўлди, – дейди Феруза Умрзақова. – Лекин ҳали бу идорага қадам босганим ҳам, ҳеч кимга жойимни бўшатиб бер, деганим ҳам йўқ. Шунга қарамай, менга нисбатан сирли муносабатда бў-лишяпти. Айбим нима эканини билолмаяпман? Бунақа вазиятда менга амалнинг кераги йўқ. Кимга керак бўлса, ана, олсин. Фақат бизни тинч қўйсин,



Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»



Денгизда чавоқ балиқ кўп. Уюм-уюм. Саноғи йўқ, бирон ўттиз-қирқ миллиони бирга сузиб юради. Бу балиқчаларни қувалаб, битта-яримтасини тутгани билан, наҳангнинг чап ичагига юқ ҳам бўлмайди. Шунинг учун акулалар тил бириктиради – тўпдай ғуж бўлиб сузиб юрган балиқ тўдасига ҳар томондан ёпирилади, балиқлар катта очилган ўпқондай оғизларга кириб кета беради, ана кейин, қорин тўйиб, юҳо нафс ҳам сал бўлса-да, ором олади.

(Телевизорда кўрганмиз).

Б у дунёда мен мутлақо соғман, аъзои баданимда ҳеч иллат йўқ, бақувватман, деган бирон валломат борми? Топа олмайсиз, овора бўлманг. Ҳеч бўлмаса, тиши оғир, ё сочи тўқила бошлагандир? Қизиги шундаки, одам қанча соғ бўлса, ўзини шунча эҳтиётлар экан – тинмай тиш ювиб, соч шампунлаб, бадантарбия қилиб... Қайси дорини нимага эм деб эшитса, дарров сотиб олиб, ғамлаб қўяди.

Энди бу – соғ кишилар, касалга чалинган ё сурункали беморларнинг ҳоли ўзингизга яхши аён. Шунинг учун, ҳар оилада бир чоғроқ аптека тўладиган дори-дармон йиғилиб қолган ҳозир.

(Буни айтмасам ҳам биласиз-а?)

Б ола эдим. Биз томонларда бир табиб чиқди. Кимки шифоталаб бўлиб борса, даво топар эди. Замбилда олиб борилганлар юриб, ҳасса таяниб етиб олганлар югуриб қайтиб кетарди. Ўзи дўхтурдан чиққан бу зот беморларга қўлат қайнатиб тайёрланган дори берар эди, ҳолос. Бошқа шифокорлар хайрон: оғир касаллар ҳам тузалиб кетяпти!

Бунинг сири бир тасодиф билан очилиб қолди. Дўхтур-табибнинг бефаҳм хотини таблеткадан бўшаган картон қутчаларни чиқитга қўшиб ташлаб юборган экан. Бир одам сарасоп солиб қараса, бари гормон! Собиқ дўхтур – сохта табиб гормон таблеткаларни талқон қилиб тўйиб, «шифобахш гиёҳлар қайнатмаси»га қўшар экан. Гормон, албатта, кучли таъсир қилган, уни ичган беморлар дәрдини унутиб, ўзини соғлом сеза бошлаган, «баракка топкур табиб»ни бошқаларга ҳам роса мактаб, ошириб-тоширишган, ана кўринг – шифоталаблар дўхтур-табибнинг қишлоғидаги кўчаларга сиғмай кетарди.

Фош бўлиб, жавобгарликка тортилган, ҳамма пешонасига шапатिलाб қолди. Аммо кучли дозада гормон олган қанча беморнинг умри қисқарган ёки бир дарди ўн бўлган экан – ким билади?

(Сизлар томонда ҳам шунақа «табиб»лар чиққанми?)

Х а, айтмоқчи, гап наҳанглар ҳақида эди-я? Ҳамма ўзини эҳтиётлаб, соғлиғига қарай берса, наҳанг бечоралар нима қилсин? Шунча миллионлик балиқни ов қилишнинг ўзи бўладими? Нафс кўрғур эса чуқиллаб турган бўлса буюқда? Бирон чораси бордир, ахир? Хайриятки, топилди, топилганида ҳам ихтиро даражасида юзага чиқди: ҳар қандай касалга эм бўладиган, ҳатто инсультнинг олдини оладиган, ракни ҳам бартараф этадиган, песнияи, моховениям тузатишга қодир, ҳар оқшом бир чимдимигинасини каппа-лаб еб олсангиз, умр йўлдошингиз ҳам мамнун бўладиган, ҳуллас, Луқмони Ҳакиму Ибн Синолар озғини очиб қоладиган универсал дорилар кашф этилди. «Алҳадайя», «Қора седана ёғи», «Ҳаббатус сауда», шиллиққурт сўлагидан тайёрланган «Хеликс», «Ламифарен»... эҳ-ҳе, ҳар номлирки, бир ажойиб!

Яна, ҳар бирининг «премиум», «универсал», «оригинал» ва ҳоказо тур ва турчалари, гул ва ғўнчалари бор, қутча-ю идишчаларини-ку, қўйбераси!

(Кўзбойлогичлик Шарқдан чиққан, деганлар рост, шекилли)

Э нди... биласиз, шу йилларда қанча ваэзирликлар иккига ажратилди, яна аллақанчаси бириштирилди. Балки шунга бизнинг телерадиоканаллар аллақандай табобат муассасаларига ёр-ёр



НАҲАНГЛАР ОВИГА МОНАНД

Дори-дармон бизнеси ҳақида мулоҳазалар

айтиб, узатиб юборилган бўлса, билмай қолдиммикин? Нега бўлмаса, уларнинг айтганини қилиб, деганини деб, остонасини сепуриб, берган пулини шиплириб юрибди? Бир кунда бир теле ё радиоканал қанча вақт реклама бериши мумкин – ундан ортиги эса истезмолчи ҳисобланмиш телетомшабин, радиотингловчининг ҳуқуқини суиистеъмол қилиш бўлади – андозаси борми бунинг?

Машинада кетиб борар эканман, дунёи боумид, зора бир ашула берса, деб радионинг олти каналини бир-бир улаб кўраман, ҳаммасида ҳам икки-уч дақиқалик тинғир-тинғир тугар-туғамас, «олий тоифали шифокор, нақ Германияда ўқиб, малака ошириб қайтган ...бек ...вич билан суҳбатни эйтиборингизга ҳавола қиламиз», дея камида ярим соатлик дори рекламасига ўта қолишади.

Ажабки, ТВ, радиоларнинг «бошловчи-сухандон»лари «шифо воситалари»ни бурнимизга тикиштиришда дўхтурлардан ҳам фаолроқ! Шундай гапиришадики, суҳбатга қақирилган «мутахассис» ҳам бир четда қолиб кетади, дикторчаларнинг ўзи «шифобахш дори воситаси»ни нақ бурнингиз тагига опкелиб қўйишади, оғиз очакўрманг, тикворишади лекин!

Олис тоғдамисиз ё чет қишлоқда, фарқи йўқ, текин етказиб беришади, боз, химматларни шу қадарки, иккитасини сотволсангиз, учинчиси бепул ҳада қилинади. Нафақат бу, ҳатто, агар молини сотволиб, ичидан чиққан алламбало ёрлиги рақамини жўнатсангиз, машинами-тўрми ютиб олишингиз мумкинлигимга беш кетмадингизми? Ҳа, энди, ана шу реклама қилишлари, машхур артистларни унга чорлаши, катта-кичик ютқў опкебериб, «ҳалол»лигига сизни ҳам эл кўзида икром қилдириб, тўн кийиб, гапга тўн кийдириб кетиш харажатлари ҳам ана шу дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотларининг нархига қўшилади – мол баҳоси таннархидан неча баравар юқорда; биз эса кўзбойлогич авраётган соддадай анграйиб тураверамиз.

(Садағаси кетай, бозор иқтисодиёти деганлари шу бўлса!..)



Э л тинчлиги, осийишталигига ҳавф тўғилса, Ички ишлар вазирлигига, Мудофаа вазирлигига умид кўзини тикамиз – хатарни улар бартараф этиши керак. Худди шу каби, Соғлиқни сақлаш вазирлигидан халқ соғлиғини нишон қилиб, тобора бостириб келаётган ҳар турли ажнабий ва маҳаллий, қаланги-қасанги фирмаларнинг дори-дармон тарқатиши тиббий, илмий ва ҳуқуқий жиҳатдан қанчалик тўғри, буни текшириб, ҳар бир «дори» ҳақиқатан ҳам дармон бера оладими ёки бир алдов воситасими, ичиди бояги гормон сингари вақтинча соғайтириб, сўнг тезгина йиқитадиган моддалар йўқми, булар тўғрисида расмий ҳулоса беришни талаб қилсак... ҳаққимиз бордир шунга? Бу воситалар ростан ҳам оғиз кўпиртиб мақталаётган минг хил ўсимликлардан олинганми ё сурати гиёҳ

таркиби эса химиянинг ўзгинасини – шуларни аниқлаб, бизга ҳолис айтадиган бирон муассаса борми?

Албатта, ҳар ким ҳам яшагиси, соғомон юргиси, узокроқ умр кўргиси келади. Бироқ ҳозир одамлар нима қилишни билмайди: дўхтурга борсинми, ё анов «шифобахш»ларнинг биронтасини от баҳосида сотволиб, ичаверсинми?

Гап кавласанг, гап чиқади, дейишади. Нега мана шунақа қўлбола дори-дармон кўпайиб кетди, улар қаёқдан пайдо бўляпти? Менга шу саволни берсангиз, уяммас, буяммас, бунга айнан соғлиқни сақлаш тизимидаги иллатлар сабаб, деб айтган бўлар эдим.

Илгари бирон жойингиз оғриса, дўхтурга борардингиз, у диагноз қўйиб, бир-икки дори ёзиб берарди, вассалом, кўрмагандай бўлиб кетардингиз. Ҳозир-чи? Шифокорга борсангиз, у бами-

Яхшидур аччиқ ҳақиқат

соли бир дев: даволамасидан аввал ҳақ тўлайсиз – ҳар бир клиникада «касса» деб ёзилган туйнукка салом бериб ўтмай илож йўқ. Ҳали бу дўхтур даволайдими ўзи – бу сизнинг муаммоингиз. Ҳўп, тўлаб ҳам кирдингиз, дейлик. Шикоятингизни тинглаб-тингламай, дўхтур бир неча ва-ракни қоралаб ташлагач, «диагностика маркази»га йўлланма беради; ўзи ташхис қўйиб даволайдиган шифокорлар пенсияда, ундан ҳам нарида. Диагнос-тика деган жойга илгари оғир касаллар юбориларди, энди эса тишингиз оғриса ҳам, ичингиз бураса ҳам бориб пул тўлаб келишингиз шарт. Диагностика эса – қонингизни сўрувчи ялмоғизнинг ўзгина-си (мендан ўтган йили бир сийдик топ-ширининг ўзига 58 минг сўм олишди, буёғини шундан қиёс қилаверинг). Яна бояги дўхтурга келасиз, энди у касалин-гизга бир эмас, икки эмас, нақ саккиз хил дори, бир неча «осмауқол», яна бошқа-ларини ёзиб беради. Аптека – яна бир беомон махлук; унга борсангиз, нархни эшитиб, қон босимингиз ошади, арзимас бир хасталикни бартараф этишга пенсия пули етмай, яқинларингизга сарғасиз – бир дардингиз ўн бўлади. Қарабсизки, «шифокор – диагностика – аптека» отли Бермуд учбурчагига тушиб қолибсиз... Шундан сўнг, баридан воз кечиб, минг хил нағма билан мақталаётган «ламифарен-алҳада»ларни сотиб олиб, ичиб ўлтира бергингиз келиб қолади, ҳар ҳолда, улар рецепт сўрамайди, диагностикага юбор-майди, бари иш ими-жимиди-ку, ҳар ҳолда. (Кийик сувдан чиқай деса, сирт-лонлар пойлаб турибди, сув ичиди эса тимсоҳ сузиб келяпти, шўрликнинг кўзи жавдирашини кўрсангиз!..)

М ол бозорга тушган киши жаллоб-дан нари юргиси, қўй оладими ё эчкими, уни аралаштирмай, ўзи харид қилгиси келади. Негаки, жаллоб ҳам, қаллоб ҳам бир гўр, уч сўмлик нарса беш сўмга тушади у аралашса. Мол эгаси-дан ҳам олади, сиздан ҳам «ширинкома» ундирмай қўймайди жаллоб.

Кейинги бир-икки йил ичиди телевиде-ние ҳам, радио ҳам бозор иқтисодиёти деб, худди Иван Васильевич сингари, касбини ўзарттирганига гувоҳ бўламиз – жаллоб-лик ҳам қўшимча даромад келтирадиган сохага айлантирган: «дори» сотувчилари-дан пул олади, сизу биздан эса вақтни (ас-лдан, вақт ҳам – пул). Оқибат, ана шу қим-мат-қиммат дориларни бир амаллаб сотиб олаверамиз, чунки «дўхтур – диагностика – дорихона» деган уч ДДДдан задамиз, аммо қочиб қаёққа ҳам борар эдик!..

Энди, дейман, бу радио... бу ТВ ходим-лари ойлик олиб ишлашса керак? Дори сотувчилар реклама учун уларга ўтказ-ётган миллион-миллион сўмлар яна сизу бизнинг устимизга тушиб, дори кўруғнинг нархи осмонга кўтарилади. Устамон «до-ришунос»ларнинг элни талаб, ғорат қили-шга қўмақлашиш эмасми бу? Бир ҳовуч ходимига қўшимча даромад деб, бутун халқни дори сотиб олишга кеча-ю кундуз ундар экан, улар ҳам сизнинг соғлигингиз-га эмас, чўнтагингизга кўз тикиб турибди. Радио-ю ТВ ҳам кам – поездга чиқсангиз, сиз ўтирган жойнинг олди-ю ортида – чор атрофда фик-ғиз-ғиз дори рекламаси кўзин-гизга урилади, санчилади – қочиб бўлсиз улардан!

Шоша-пиша реклама тайёрлаётган-лару уни оммалаштираётган оммавий ахборот воситалари катталари бу дори-сотарларни чиндан ҳам эл соғлиғи йў-лида бел боғлаган жўмард кишилар деб ўйлашяптимикин ё? Невлай!..

Реклама соҳасидаги бошбошдоқлик-ни тийишга, жиловлашга кучи етадиган бирон маҳкама борми ўзи? Ё шаҳар бе-дарвозами уларга?

(Ов қилмоқнинг ҳадисини ақуладан ўрганган наҳанг-паханларга салом!..)

Зўхриддин
ИСОМИДДИНОВ



Эълонлар

«Ипак йўли» АИТБ ўз балансида бўлган автотранспорт воситаларининг олди-сотди таклифларини қабул қилади.
Мурожаат учун телефон: +998 78 140-78-00. Ички 11-24

№	Автомобиль русуми	Ишлаб чиқарилган йили
1	Кобальт	2015
2	Кобальт	2015
3	Кобальт	2017
4	Кобальт	2020
5	Кобальт	2020
6	Нексия 3	2020
7	Нексия 3	2020

Чиноз туманидаги 17-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2009 йилда Мамадєв Ахмад Херодин ўғли номига берилган У № 4010226 рақамли шаҳодатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳри, Миробод туманидаги 94-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2021 йилда Қобилова Муслима Нодиржон қизи номига берилган УМ № 1145217 рақамли шаҳодатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Янгийўл шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл шаҳар, МЖК-1 кўчаси, 9-корпус, 5-хонадон учун Қунаков Николай Георгиевич (мархум) номига берилган уйнинг кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманидаги 276-ихтисолаштирилган давлат умумтаълим мактаби томонидан 2006 йилда Мирҳайдаров Мирқамил Мирваҳидович номига берилган У № 1523161 рақамли шаҳодатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Фарғона
вилояти

СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРАФДОРЛАРИ

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марғилон шаҳар кенгаши «Спорт – саломатлик гарови» шиори остида мусобақа ўтказди.

Иштирокчилар волейбол, стол тенниси ва шахмат турлари бўйича баҳслашди. – Ходимларнинг саломатлиги биз учун муҳим, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марғилон шаҳар кенгаши раиси Маҳфузахон Мадиярова. – Шунинг учун бу каби спорт мусобақаларини тез-тез ўтказиб турамиз. Қолаверса, ушбу беллашувлар соғлом турмуш тарзининг тарғиботи ҳамдир.

Қизгин ва мурасасиз кечган баҳслар якунига кўра, стол тенниси мусобақасида аёллар ўртасида Марғилон шаҳридаги 3-мактаб ўқитувчиси Дилором Аҳмаджонова, эркеклар ўртасида 8-мактаб ўқитувчиси Нозимжон Абдурахмонов ғолибликни қўлга киритди.

Ақл гимнастикеи баҳсида аёллар ўртасида 24-мактаб ўқитувчиси Садбар Мавлонова, эркеклар ўртасида 8-мактаб ўқитувчиси Фарҳод Исмоилов зафар қучди.

Волейбол мусобақасида эса 25-мактаб аёлларига омад қулиб боқди. Эркеклар ўртасидаги баҳсда 8-мактаб жамоасининг қўли баланд келди.

Ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Жамшид ЭРҒАШЕВ,
«ISHONCH»

Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»



Таиланддан медаллар билан

Хабарингиз бор, шу йилнинг 20-27 март кунлари Таиландда байдарка ва канозда эшкак эшиш ҳамда параканоз спорт турлари бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтган эди.

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига қарашли Республика

ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг слаомда эшкак эшиш, байдарка ва канозда эшкак эшиш ҳамда параканоз спорт турлари бўйича миллий терма жамоа сафида қатнашган спортчиларнинг 13 нафари совринли ўрин соҳиби бўлиб қайтди.

Хусусан, байдарка ва канозда эшкак эшиш бўйича Денис Онуфриев 1 та олтин, 2 та ку-муш, Шоҳруҳбек Аъзамов 2 та

кумуш медалини қўлга киритган бўлса, Элёржон Мамадалиев 2 та олтинни нақд қилди.

Параканоз бўйича Шаҳноза Мирзаева, Мухлиса Эшмирзаева, Ҳасан Қўлдошев ва Хайитмурод Шерқўзиев ҳам олтин медалларга, Азизбек Абдулхалилов, Иродахон Рустамова ва Тўрабек Назарқуловлар кумуш медалларга муносиб кўрилди.

МУАССИС:





2007 йил 11 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
116-рақам билан
рўйхатга олинган.

«Ishonch» va
«Ishonch-Doverie»
gazetalari
taxriri xay'ati:

Қудратилла РАФИҚОВ
(taxriri xay'ati ra'isi),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АХМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(бош мухаррирнинг
биринчи ўринбосари),
Меҳридин ШУКУРОВ
(Маъсул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Маъсул котиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти –
(71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт –
(71) 256-52-89
Миллий-маънавий
қадриятлар ва спорт –
(71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар
билан ишлаш –
(71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна –
(71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон
Республикаси Президентининг
фармон ва қарорлари,
энг сўнгги янгиликлар,
таҳлилий, танқидий
мақолалар, хабарларнинг
тўлиқ матни
билан танишингиз
мумкин.

Ҳўдўлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоний вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-93) 573-77-14
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган
маълумотларда манба сифатида
газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаси назаридан
фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
Ж. Наҳанов
Мусаҳҳиж:
Д. Худойберганова
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдуҷалилов
Босишга топшириш вақти – 20:50
Топширилди – 21:00

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Бўюртма V- 5106
34351 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-ўй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба,
пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий
уйи босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили:
Алишер Навоний кўчаси 30-ўй.

Таҳририят ҳисобҳисоби:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТІР: 201133889,
ОКЭД: 58130